

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ЗУХРИТДИНОВ АЛИШЕР ФАРАХИДИН ЎҒЛИ

**ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ МАЙДА ИФЛОСЛИКЛАРДАН
ТОЗАЛАГИЧНИНГ САМАРАЛИ ҚОЗИҚЛИ БАРАБАН
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ХИСОБЛАШ
МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.02.03- Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари

Диссертация ҳимоясиз ихтиро патенти асосида техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича

ТАҚДИМНОМА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1433 рақам билан рўйхатга олинган.

Тақдимнома Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Тақдимнома Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва Ziyonet Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор


Тақдимнома ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «9» апрел соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Тақдимнома билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (391-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07))

Тақдимнома 2022 йил «25» март куни тарқатилди.

(2022 йил «25» мартдаги 68-рақамли реестр баённомаси).




Р. М.Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Ҳ.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Жаҳон миқёсида пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси ҳисобланиб, ундан тайёрланадиган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб кескин ошмоқда. Жаҳонда пахта хомашёсининг савдоси 2019/2020 йилларда истеъмолдан озроқ пасайди ва 2020/2021 йилларда жаҳон савдосининг тикланиши 2012 йилдаги рекорд даражадан буён энг юқори савдо ҳажмига олиб келди. Покистон 2020 йилги ишлаб чиқаришнинг танқислигига жавобан, импортни оширди. Бангладеш ва Индонезияда 2019-йилда импорт кескин пасайишдан тўлиқ тикланмади, бунинг сабаби пандемиянинг маҳаллий тўқимачилик саноатига таъсири давом этмоқда. Асосий экспортчи бўлган Ҳиндистондан пахта экспорти 2019 йил даражасидан 70 фоиздан кўпроқ ўсди, бу мамлакат валютасининг қадрсизланиши ва 2020-йилнинг иккинчи ярми ва 2021-йил бошида жаҳон пахта нархининг ўсиши билан таъминланди¹. Бу мамлакатларда пахта тозалаш саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналари учун янги техник восита ва технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, пахта толаси ва уни сифатига бўлган талабларни янада ошириш, пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш имкониятини берувчи, янги ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек чет эл мамлакатларида пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда юқори ифлосликка эга машинада терилган пахта ҳажми катта бўлганлиги сабабли, пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштиришда кўпроқ пахтани турли хил майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш жараёнлари назарий асосларини ишлаб чиқиш, машина агрегат ишчи қисмлар ва механизмлар ҳаракат параметрлари ҳамда иш режимларини асослаш, улар орқали пахтани титиш ва тозалашни таъминлайдиган параметрларини мақбул қийматларини асослаш бўйича кенг қамровли назарий ва комплекс тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, пахтани тозалаш самарадорлигини ва маҳсулотнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш, жумладан, чиқиндилардан тозалашнинг пахта сифатига салбий таъсирини камайтирадиган мақбул режимларини аниқлаш имконини яратувчи математик моделларни яратиш ва уларнинг ечимлари асосида тавсия параметрларини аниқлаш, пахтани титиш ва ифлос аралашмалардан цилиндрик ва кўп қиррали аралаш қозиқлари бўлган барабаннинг самарали конструкциясини қўллаш, юмшоқ режимли технологияларини ишлаб чиқиш, тозалагичларнинг ресурстежамкор ишчи органлари самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади.

¹<https://www.oecd-ilibrary.org/sites/7980a57f-en/index.html?itemId=/content/component/7980a57f-en>

Республикамизда пахта тозалаш саноати корхоналари техника ва технологияларини такомиллаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, пахта хомашёсини қайта ишлаш рентабеллиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш²» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пахта таркибидаги майда чиқиндиларни ажратишнинг самарали технологиясини ҳамда ишчи барабаннинг юқори тозалаш самарадорлигини таъминлаб берувчи конструкцияларини ишлаб чиқиш, пахтани тозалашда ишчи органлар ва пахтага таъсир қилишда юмшоқ зарбали режимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш орқали пахтани тозалаш самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони, «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора – тадбирлар дастури тўғрисида»ги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сон ва «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс- тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани қайта ишлаш технологик машиналари, жумладан, пахтани титиш, тозалаш ишчи органлари ва ишлаш конструкцияларини такомиллаштириш, технологик параметрлари ва режимларини аниқлаш бўйича дунёда R.V. Baker, R.M. Sutton, S.E. Hughs, J.V. Laird ва бошқа катта олимлар тадқиқотлар олиб боришган, республикамиз олимларидан Г.И.Мирошниченко, П.Н.Тютин, А.Джураев, А.Е.Лугачев, Х.Т.Ахмадходжаев, И.Г.Шин, Р.Муродов, О.Саримсоқов, Қ.Жуманиязов, Р.Х.Мақсудов, С.З.Юнусов, О.И.Ражабов, Ш.Л.Далиев ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Олиб борилган илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, пахтани майда ифлосликлардан тозалаш технологияси етарли даражада ўрганилган,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони

жумладан, қозикли барабанларнинг геометрик ва кинематик ўлчамлари, тўрли юзани қозикли барабан билан ҳосил қилган тирқиш ўлчамлари, қозикли барабаннинг айланиш частотасини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилган.

Мавжуд илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тозалаш агрегатининг ишчи органлари ва параметрларини ҳисоблаш ҳамда асослаш чуқур кинематик ва динамик таҳлиллари асосида бажарилмаган. Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самараси етарли даражада эмас. Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичнинг аралаш цилиндрик ва кўп қиррали барабанлари схемалари ишлаб чиқилмаган, параметрларини асослаш методлари етарли эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон Машинасозлик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг № ФА-2019-003 «Пахта тозалаш корхоналарида ишлатиладиган машина ва ускуналарнинг янги ишчи органларини яратиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта хом ашёсини майда ифлосликлардан тозалаловчи цилиндрик ва кўп қиррали комбинациялашган қозикчалари бўлган барабан конструкциясини ишлаб чиқиш, параметрларини асослаш ва ҳисоблаш методларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахтани майда чиқиндилардан тозалашда цилиндрик кўп қиррали комбинациялашган қозикли барабанини кўллаб тозалаш қурилмасини такомиллаштириш;

пахта бўлагининг кўп қиррали комбинациялашган қозикча сиртидаги ҳаракатини ифодаловчи математик моделни ва уни ечими асосида такомиллаштириш ҳаракат траекторияларини аниқлаш;

назарий тадқиқотлар асосида пахта бўлагини қозикча текис сиртидаги ҳаракат траекториясивактини қозикча қирралари сонига, қиялик бурчагига ва барабан айланиш частотасига боғлиқлик қонуниятларини асослаш;

цилиндрик ва кўп қиррали қозикчали гарнитура, барабан валлари айланма тебранишларини, частоталарини аниқлаш;

тавсия этилган барабан вали ва қозикли гарнитура бурчак тезликлари, буровчи моментлар ва цилиндрик ҳамда кўп қиррали қозикларда пахта бўлагини таъсир кучини ўзгариш қонуниятлари тажрибада тензометрик иш усулида аниқлаш;

тавсия этилган барабан қозикли гарнитураси ва валдаги бурчак тезликлар ва буровчи моментларни тозалагич иш унумига боғлиқлик графиклари боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахтани майда ифлосликлардан тозалагичнинг цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалари бўлган барабан конструкциялари олинган.

Тадқиқот предмети пахта, майда ифлосликлар, кўп қиррали қозикчалар, барабан, цилиндр, технологик режим ва параметрлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида пахтани дастлабки ишлаш, олий математика, назарий ва амалий механика тўқимачилик материалшунослиги, тебраниш назарияси, машина ва механизмлар назарияси математик статистика усулларида, компьютер технологиясининг замонавий дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта бўлакчасининг кўп қиррали комбинациялашган қозикча сиртидаги ҳаракатини ифодаловчи тенглама асосида кўп қиррали қозикча сиртидаги ҳаракат траекторияси ва тавсия параметрлари аниқланган;

қозикчали гарнитура ва барабан валини ҳаракат қонуниятлари ифодаловчи математик модул олинган, ечими асосида гарнитура ва барабан айланма тебранишлари ва частоталарини ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

тажрибавий тадқиқотлар асосида қозикли гарнитура ва барабан вали бурчак тезликлари, бурувчи моментлари, цилиндрик ва кўп қиррали қозикчаларга пахта бўлакларининг таъсир кучини ўзгариш қонуниятлари аниқланган ва қийматлари асосланган;

тавсия этилган қозикли барабан қозикчаларидан пахта бўлакчаларини чиқиш вақтини ва уларга таъсир кучини барабан қозикли гарнитураси бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқ графиклари олинди. Тавсия этилган тозалашда тозалаш самараси юқори бўлиши учун ϕ_2 қийматлари $(50,0 \div 55) \text{с}^{-1}$ оралиғида олиш тавсия этилади. Бунда $t_k = (4,0 \div 5,0) \text{с}^{-1}$ дан кўпроқ бўлиши таъминланади;

қозикчаларга пахта бўлагини таъсир кучини юқорилигини таъминлаш учун $\phi_2 \geq (50 \div 55) \text{с}^{-1}$ оралиғида бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бунда пахтага қозикчаларни таъсир кучи циклик равишда $0,48 \cdot 10 \text{ Н}$ ва $0,58 \cdot 10 \text{ Н}$ кетма-кет ўзгаради. Бу эса ўз навбатида майда чиқиндилардан ажралишини интенсивлаштиради;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

пахтанинг табиий сифат кўрсаткичларини максимал сақлаган ҳолда майда ифлосликлардан тозалаш самарасини таъминлайдиган, такомиллашган, цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалари бўлган барабанли тозалаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

пахта бўлакчалари барабаннинг кўп қиррали ва цилиндрик комбинациялашган қозикчалари билан таъсирланиши қонуниятини таҳлили асосида усқунанинг тозалаш самарасини оширадиган параметрлари ва ишлаш режимлари аниқланган;

тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги мақбул қийматлари аниқланди: барабан айланиш частотаси – 455 айл/мин , тўрли юза ва қозикчалар орасидаги масофа – $15,5 \cdot 10^{-3} \text{ м}$, қозикчалар қирралари сони – 6 та.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта таркибидан майда ифлос аралашмаларнинг ажралиш жараёни назарий ва амалий тадқиқотлари натижаларини солиштириш,

баҳолаш мезонларига кўра уларнинг етарли даражадаги мувофиқлиги, тадқиқотларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, олинган натижаларнинг реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қозикчали барабан кўп қиррали комбинациялашган қозикчалари сиртида пахта бўлагининг ҳаракатланиш қонуниятларини ифодаловчи математик модел олинганлиги, ҳаракат траекториялари қурилгани, қозикчали гарнитура ва барабан вали ҳаракат қонунлари, цилиндрик ва кўп қиррали қозикчаларни пахта бўлаклари билан таъсирлашиш кучлари, параметрларини боғланиш графиклари, тавсия параметрлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, тавсия қилинган тозалаш агрегатида янги, кўп қиррали комбинациялашган цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалари бўлган барабан конструкциялари қўлланилганда пахта хомашёсининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиниши, пахта бўлакчаларига циклик ўзгарувчан таъсир жараёнларида ҳаракат йўналишлари ўзгарганлиги ҳисобига пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самарасининг ошганлиги ва маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш агрегатларининг қозикли барабанларини самарали конструкциясини яратиш ва тозалаш қурилмасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган пахта тозаловчи қозикли барабаннинг самарали конструкцияси «Alyortex» МЧЖ кластерига қарашли «Сўфиқишлоқ пахта тозалаш» корхонасида жорий этилган («Ўзбекистон Пахта-Тўқимачилик кластерлари уюшмаси» нинг 2021 йил 19 ноябрьдаги 03/22-303 сонли маълумотномаси). Натижада пахта тозалаш агрегатининг тозалаш самарадорлигини 7,5 % га ошгани ҳисобига йилига 1 200 033 минг сўм иқтисодий самара олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика, 1 та хорижий журналларида ва 1 та мақола Scopus базасига киритилган журналларда чоп этилган, 1 та ихтиро учун патент олинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикасининг «Толали материаллар тозалагичининг титиш барабани» (№ IAP06460, 2021 й.) ихтиро патенти.

Фойдаланиш соҳаси: пахта тозалаш саноати.

Вазифаси: толасимон материалнинг тозалаш таъсирини ошириш, пахта толаларини ва чигитларнинг шикастланганлигини пасайтириш, машина ишчи органларининг жами узунлиги бўйлаб узилишларини йўқ қилиш ва материалга бир текисда ишлов беришини таъминлаш.

Ихтиронинг моҳияти: толали материал тозалагичнинг титиш барабани кўп қиррали призма кўринишида бажарилган, шахмат тартибда ўрнатилган бўйлама қозикчалар қатори бўлган цилиндрсимон юзани ичига олади ва кўп қиррали призма кўринишидаги қозикчалар қаторида алмашиб келган ҳолда ўрнатилган цилиндрсимон шаклдаги қозикчаларни кўшимча равишда ичига олади. Ихтиро пахтани тозалаш саноатига таалукли ва толали материалларни масалан, пахта хом ашёсини титиш ва тозалаш қурилмаларида қўлланилиши мумкин.

Цилиндрик планкали гардиш ва уларга бўйлама қатор маҳкамланган қозиклардан ташкил топган титиш барабани маълум.

Маълум бўлган титувчи барабанни камчилиги шундаки қозиклар билан материал қисмларини қониқарли ушламаслик ва уларни тешикли юзада судрашда юқори бўлмаган тозалаш самарадорлиги кузатилади. Бундан ташқари бир текис ўрнатилган цилиндрлик қозиклар пахта бўлакчасига монотон таъсирга олиб келади. Пахта хом ашёсида майда ифлосликларни турли чуқурликда хаотик ҳолатда бўлишида қозикларни манотон зарба таъсири ихтиёрий координатада ётувчи ва пахта бўлакчаларини юзада ётувчи майда ифлосликларини оптимал ажралишини таъминламайди. Шунингдек, толали материални тозалагичнинг титувчи барабани маълум, унда манотон таъсирини йўқотиш мақсадга мувофиқдир.

Қозикларни таъсир самарадорлиги уларни пахта хом ашёси билан учрашиш бурчагига боғлиқлиги сабабли тозалаш самарасини пастлиги берилган конструкциянинг камчилиги ҳисобланади.

Фақат кўп қиррали қозикчалардан иборат бўлган барабан қўлланилганда пахтадан ажраладиган майда чиқиндилардан тозалаш самарадорлиги ортиб боради.

Ушбу конструкциянинг камчилигига қозикларни текислиги (қирраси) бир томонга бурилгани, бу эса зарба кучини горизонтал ташкил қилувчисини ҳосил бўлишига олиб келади, яъни ишчи орган узунлиги бўйлаб қайта ишлашнинг нотекис бўлишига олиб келади, яъни ўзига хос материални бир йўналишда силжишига олиб келади. Бу эса ишчи орган узунлиги бўйича нотекис қайта ишлашга олиб келади. Бундан ташқари кўп қиррали қозиклар томонидан пахта бўлакчасига тўсатдан ўзгарувчи кучлар таъсири толалар ва чигитларни шикастланишига олиб келади.


Толали материални тозалаш самарадорлигини ошириш, пахта толаси ва чигитни шикастланишини пасайтириш, тиқилишларни йўқотиш ва машинанинг ишчи органини узунаси бўйлаб материални текис қайта ишлашни таъминлаш ихтиронинг вазифаси ҳисобланади.

Қўйилган вазифа толали материалларни тозалагичнинг титиш барабани кўп қиррали ва цилиндрик қозикчаларни материалга кетма-кет алмашган ҳолда циклик таъсирини таъминлаш билан конструкциясини такомиллаштириш орқали ечилади.

Конструкция моҳияти чизмада тушунтирилади, бунда 1-а расм-барабаннинг умумий кўриниши, 1-б расм – барабан юзасида қозикчаларни ўрнатиш схемаси.

Конструкцияда барабан 1 уни юзасида шахмат тартибда ўрнатилган цилиндрсимон 2 ва кўп қиррали 3 қозикчалардан иборат. Ишлаш жараёнида барабан 1 айланганда, 2 ва 3 қозиклар навбатма-навбат толали материалга таъсир қилади. Бунда пахтага таъсир қилувчи импульс зарба кучлари циклик ўзгариб туради, бу эса пахтани майда ифлосликларни интенсив ажралишига олиб келади. Берилган пахтани характеристикасига қараб 3 қозикларни зарур бўлган қирралари сонини танлаш мумкин.

Цилиндрик ва кўп қиррали қозикчали титиш барабанларидан фойдаланиш тозалаш самарадорлигини кўпроқ ошишига имкон беради.




а) умумий схемаси

б) қозикчаларни жойлашиш схемаси

1– расм. Толали материал тозалагичининг қозикли барабани схемаси.

Пахта хомашёсининг майда ифлосликлардан тозалаш технологиясида пахта заррачасини барабан қозикчасини текис қирраларида ҳаракат қонунини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда пахта заррачаси қозикли барабанни қозик текислигида ҳаракатланади.

Шунинг учун пахта заррачаси қозикдан чиққанда эгри чизиқли қонуниятда ҳаракатланади, бунда траекторияни ташкил қилувчилари барабан ўқи йўналишида бўлади. Мавжуд қозикли барабанларда пахта бўлакчасини цилиндрик қозикча билан таъсири жуда қисқа вақтда бўлади. Чунки пахта бўлаги қозикча сиртида тезда тушиб кетади. Шунинг учун, қозиклар пахта бўлагини сеткали юзадан судраб ўтишида ифлосликлар ажралади. Умумун цилиндрик қозик билан пахта бўлаги таъсири назарий ва тажрибавий томондан кенг миқёсда ўрганилган. Лекин пахта бўлакчасини кўп қиррали қозикча сиртидаги ҳаракати етарлича ўрганилмаган.



2-Расм. Қозик қирраси текислигини барабан рўпара текислигига нисбатан жойлашиш схемаси.


Жумладан, Пахта бўлакчасини кўп қиррали қозикнинг текис юзасида ҳаракат қонуни олинган. Аммо, бунда юза текислигини барабаннинг рўпара юзасига нисбатан қиялик бурчаги (2-расм) назарга олинмаган. Шунинг учун мавжуд назарияни кўп қиррали қозикли барабан сирти бўйлаб қиялик θ бурчагида ўрнатишни назарга олиб ривожлантирдик.

Бунда пахта бўлакчасини қозик юзасида ҳаракат траекторияси амалда камаяди. Траектория координаталари

қуйидагича бўлади:

$$x_1 = x \cdot \sin\theta; y_1 = y \cdot \cos\theta \quad (1)$$

Пахта бўлакчаларни қозик қирраси бўйича ҳаракатини ҳисоблаш схемаси 3-расмда келтирилган.



3-расм Пахта бўлакчасини кўп қиррали қозикнинг текис сиртидаги ҳаракатини аниқлашнинг ҳисоб схемаси.

Бунда пахта хомашёси заррачасига қуйидаги кучлар таъсир қилади: \bar{G} - оғирлик кучи; \bar{F}_u - марказдан қочма куч; $\bar{F}_{кор}$ - кориолис кучи; \bar{F}_{mp} - инерция кучи; \bar{F}_σ - ҳаво оқимини қаршилик кучи. Ҳисоблаш схемасига мувофиқ кўп қиррали қозикни қирраси текислигида пахта бўлакчасини мувозанат ҳолатидаги инерция кучини назарга олиб, Даламбер принциpidан фойдаланиб x , y ва z ўқларига проекциялаб (1) ни этиборга олиб қуйидаги тенгламаларга эга бўлинди:

$$m_\lambda \ddot{x} = m_\lambda \omega_\sigma^2 (R_{cp} + x) + m_\lambda g \cos \alpha - fN \cos \beta$$

$$m_\lambda \ddot{y} = m_\lambda g \sin \alpha - fN \sin \beta$$

$$m_n \ddot{z} = N - 2m_n \omega_0^2 \dot{x} - kv_0^2 + m_n g \cos \gamma$$

$$x_1 = x \cdot \sin \theta; y_1 = y \cdot \cos \theta \quad (2)$$

бу ерда x, y, z – пахта заррачасини координата ўқи бўйлаб силжиши; m_n – пахта заррачасини (пахта бўлакчасини) массаси; g – эркин тушиш тезлиниши; ω_0 – барабан бурчакли тезлиги; R_{cp} – барабан радиусини ўрта қиймати; f – пахта бўлакчасини барабан қозиғи қирраси бўйлаб ишқаланиш коэффициент; N – реакция кучи; v_0 – пахта бўлакчасини қозиқ юзаси айланасига уринма йўналтиришдаги чизиқли тезлиги; α – x ўқиға нисбатан оғирлик кучи вектори қиялик бурчаги; β – x ўқиға нисбатан ишқаланиш кучи векторини йўналиш бурчаги; γ – пахта бўлакчасини оғирлик кучи векторини z ўқиға нисбатан бурчаги; θ – қозиқнинг текис томонини қиялик бурчаги.

Келтирилганидек (2) системанинг ҳар бир тенгламаларини x, y ва z га нисбатан ечилди. Бунда пахта бўлакчасини қозиқли текис сиртда силжишида z ўқи бўйлаб ҳаракати йўқлигини назарга олиб (2) системани учинчи тенгламасидан:

$$N = 2m_n \omega_0^2 \dot{x} + kv_0^2 + m_n g \cos \gamma \quad (3)$$

Олинган (3) ифодани (2) системанинг биринчи тенгламасига қўйиб баъзи ўзгартиришлардан сўнг қуйидаги ифода олинди;

$$\ddot{x} - 2f\omega_0 \dot{x} \cos \beta - \omega_0^2 x = g \cos \alpha - \frac{kv_0^2 \cos \beta}{m} + fg \cos \gamma \cos \beta + \omega_0^2 R_{cp} \quad (4)$$

Барабанни кўп қиррали қозиғини қиррасида пахта бўлакчасини X ўқи бўйлаб ҳаракатини ифодаловчи (4) тенгламасининг умумий ечими мавжуд усулдан фойдаланиб қуйидаги кўринишда бўлади:

$$x_1 = c_1 e^{\omega_0 t (f + \sqrt{1+f^2})} + c_2 e^{\omega_0 t (f - \sqrt{1-f^2})} + \frac{g \sin \omega t}{2\omega_0^2 f \cos \beta} + \frac{fg \cos \gamma \cos \beta}{\omega_0^2} + R_{cp} - \frac{Kfv_0^2}{m_n \omega_0^2} \quad (5)$$

Пахта бўлакчасини қозиқ қиррасидан чиқишини бошланғич шартлари $t = 0; x = 0; \dot{x} = 0$, назарга олиб, шунингдек c_1 ва c_2 ларни аниқлаб уларни

(5) га қўйиб яқуний ечимни оламиз.:

$$x = \frac{g \sin \omega_0 t}{2\omega_0^2 f \cos \beta} + \frac{fg \cos \gamma \cos \beta}{\omega_0^2} + R_{cp} - \frac{Kfv_0^2}{m_n \omega_0^2} +$$

$$+ \left\{ R_{cp} \frac{fKv_0^2}{m_n \omega_0^2} + \frac{g(1-f^2)}{2\omega_0^2(1+f^2)} - \frac{1}{2f} \left[R_{cp} + \frac{g(1-f^2)}{2\omega_0^2(1+f^2)} - \frac{fKv_0^2(f+\sqrt{1+f^2})}{m_n \omega_0^2} \right] + \frac{g}{2\omega_0^2(1+f^2)} \right\} \cdot$$

$$e^{\omega_0 t(f+\sqrt{1+f^2})} + \frac{1}{2f} \left[R_{cp} + \frac{g(1-f^2)}{2\omega_0^2(1+f^2)} - fKv_0^2(f+\sqrt{1+f^2}) \right] e^{\omega_0 t(f-\sqrt{1+f^2})} \quad (6)$$

Юқорида таъкидлангандек пахта бўлакчаси у ўқи бўйлаб, яъни кўнгдаланг йўналишда ҳам силжийди. Пахта бўлакчасини у ўқи бўйлаб ҳаракат қонунини аниқлаш учун (2) системанинг иккинчи тенгламасини ечамиз. (3) га мувофиқ реакция кучини (2) системанинг иккинчи тенгламасига қўйиб, ҳамда пахта бўлакчаси ҳаракат қонунига Кориолис кучини таъсири катта эмаслигини назарга олиб:

$$\ddot{y} = g \sin \alpha - \frac{Kfv_0^2 \sin \beta}{m_n} + fg \cos \gamma \sin \beta \quad (7)$$

Олинган (7) тенгламанинг ўнг қисмини D билан белгилаб икки марта интеграллаб қуйидагини оламиз:

$$\dot{y} = Dt + c; \quad y = D \frac{t^2}{2} + c_1 t + c_2$$

(8)

Бу ерда, c_1, c_2 -интеграллаш доимийси, улар бошланғич шартдан топилади

$$t=0; y=0; \dot{y}=0; c_1=0; c_2=0$$

Бунда:

$$\dot{y} = gt \sin \alpha - f \frac{Kv_0^2 t \sin \beta}{m_n} - fgt \cos \gamma \sin \beta$$

$$y = \frac{gt^2}{2} \sin \alpha - \frac{Kfv_0^2 t^2 \sin \beta}{2m_n} - \frac{fgt^2}{2} \cos \gamma \sin \beta \quad (9)$$

Цилиндрсимон қозикли барабан тезлиги $\omega_0 = 36 \text{ c}^{-1}$, қозиклар баландлиги $7,0 \cdot 10^{-2} \text{ м}$ да пахта бўлакчаларни учиб чиқиш вақти $0,022 \text{ с}$, барабаннинг бурчак тезлиги $\omega_0 = 55 \text{ c}^{-1}$ да учиб чиқиш вақти $0,0146 \text{ с}$ ташкил қилади. Бунда пахта бўлакчасини цилиндрсимон қозик юзасида бўлиш вақти катта эмас. Шунинг учун пахтани майда ифлосликлардан тозалаш амалда қозикни пахтага зарба таъсирида амалга ошади. Бунда толалар ва чигитларни шикастланиши юқори даражада бўлади.

Барабани таклиф этилаётган вариантида цилиндрсимон ва кўп қиррали қозиклар ҳар бир қаторда навбатма-навбат ўрнатилган.


Масалани сонли ечими параметрларнинг қуйидаги қийматларида амалга оширилди: $m_n = (0,20 \div 0,25) \text{ г}$; $\omega_0 = (50 \div 55) \text{ c}^{-1}$; $f = 0,35 \div 0,45$; $K = 0,65 \div 0,70$; $R_{cp} = (0,16 \div 0,2) \text{ м}$; $e = 2,72$; $g = 9,81 \text{ м/с}^2$; $\alpha = 10^0 \div 25^0$; $\beta = 5^0 \div 10^0$; $\gamma = 5^0 \div 15^0$; $v_0 = (5,5 \div 8,5) \text{ м/с}$, $\theta = (0^0 \div 30^0)$.

Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичининг барабани қозикларини текис сиртида пахта хом ашёси бўлакчасини ҳаракат қонуни масаласини сонли ечими асосида график боғланишлари қурилди. 4-расм пахта бўлакчасини барабан қозиғи текис томонининг x ва y ўқлари бўйлаб силжишининг ўзгаришини график боғланишлари келтирилган. Улардан кўриниб турибдики, қозикли барабан айланиш частотаси ошганда пахта бўлакчасини қозикни текис сиртида x ва y ўқлари бўйлаб ҳаракати чизиксиз қонуниятда ортади. Қурилган ҳаракат траекторияларини таҳлили шуни кўрсатдики (4.а- расм), қозикни қиялик бурчаги $\theta=0^0$ да пахта бўлакчаси сирт юзасида максимал ушланиб туради. $x = 7,0 \cdot 10^{-2}$ м да ва $\omega_6 = 40 \text{ с}^{-1}$ да қозик кўндаланг ординатаси $y=0,42 \cdot 10^{-2}$ м га тенг бўлади.


Бунда барабаннинг айланиш частотаси 56 с^{-1} гача ортганида пахта қозик юзасидан чиқиб кетади: 6 қиррали қозикчада (кўк штриховка) $x = 6,05 \cdot 10^{-2}$ м, 8 қиррали қозикчада (хаво ранг штриховка) $x = 5,21 \cdot 10^{-2}$ м. Бу шуни кўрсатадики, пахта хом ашёси пахта бўлакчасини қозикни текис юзасида узоқ ушлаб туриши учун нафақат барабаннинг айланиш частотасини камайтириш, балки, қирралари сонини ҳам (бунда текис сирт кенглиги y ўқи бўйича ошади) камайтириш керак.

Пахта бўлакчасини кўп қиррали қозикча текис юзасида ҳаракат траекториясидан кўриниб турибдики, қозик текислигини қиялик бурчагини барабан айланиш текислиги рўпарасига нисбатан (4а,б,в,г-расмлар) пахта бўлакчаси қозикни $\theta=0^0$ ўрнатилишига нисбатан камроқ ушлаб турилади.


Қозик текислигини қиялик бурчаги θ қанча катта бўлса, қозик юзасида пахта бўлакчаларини бўлиш узунлиги (x ўқи) шунча камаяди.




а – қозикни текис кесимининг ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 0^0



б- қозикни текис кесимининг ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 15^0



в- қозикни текис кесимининг ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 30^0



г- қозикни текис кесимининг ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 45^0

1-40 с⁻¹; 2-44 с⁻¹; 3-48 с⁻¹; 4-52 с⁻¹, 5-56 с⁻¹

4-расм. Пахта хом ашёси пахта бўлакчасини кўп қиррали қозикни текис сирти бўйича барабанни айланиш частотаси ўзгаришидаги ҳаракат траекториялари


Қиялик бурчаги $\theta=30^0$ да пахта бўлакчаларни 6 қиррали юзасида бўлиш узунлиги $x = 1,75 \cdot 10^{-2}$ м, қозикни 8-қирралигида $x = 1,62 \cdot 10^{-2}$ м бўлади. Таъкидлаш керакки, пахта бўлакчаларини қозикни текис юзасида ушлаш узунлиги (даври) қанча кўп бўлса, шунча кўп ифлос аралашмалар ажралади.

Шунинг учун қозикларнинг қирралари 6 дона; барабан бурчак тезлиги- (45÷50) с⁻¹; қозик текислиги қиялик бурчаги- 10^0 бўлган қийматларни тавсия қилинди.


Пахта хом ашёсини тозалаш технологиясида уни титилганлиги муҳим ҳисобланади. Бунда пахтани айрим пахта бўлакчаларга ажратиш ҳар доим бўлавермайди. Шунинг учун пахта хом ашёсини иккиланган пахта бўлакчаларида масса икки марта ортади. 5-расмда пахтани иккиланган массаси пахта бўлакчаларини барабанни кўп қиррали қозигини текис юзасида унинг айланиш частотаси, қирралари сони ва текис юзани барабаннинг айланиш томони рўпара юзасига нисбатан қиялик бурчаги θ ни ўзгаришидаги ҳаракат траекториялари келтирилган. Бунда пахта бўлаги массаси қанча катта бўлса, уларни қозик юзасидан чиқиш тезлиги марказдан қочма кучларни ортиши ҳисобига шунча катта бўлади.

Пахтани иккиланган массаси бўлакчаларини ҳаракат траекториясини таҳлили шуни кўрсатадики, қозик текислигининг қиялик бурчаги $\theta=0^0$ да, 6 қиррали вариантда пахта бўлакчаси иккиланган массаси қозикни тўлиқ узунлигида бўлиши мумкин. Бунда барабаннинг бурчак тезлиги $\omega_6 \leq 40$ с⁻¹дан ошмаслиги керак (5-а расм, 1-график).

Қиялик бурчаги $\theta=(10^0 \div 15^0)$ дан ошганда иккиланган массали пахта бўлакчалари амалда қозикнинг учига етмай уни текис юзасидан чиқиб кетади.




а – при $m=2m_{л}$, қозик бурчаги- 0;



б – при $m=2m_{л}$, қозик бурчаги - 30^0

5-расм. Пахта хом ашёсини иккиланган массали пахта бўлакчаларини барабаннинг кўп қиррали қозигининг текис юзаси бўйлаб ҳаракат траекториялари

Шунинг учун параметрларни тавсия қилинадиган қийматлари куйидагилар ҳисобланади: $\theta \leq (0^0 \div 10^0)$; $m \leq 2m_n = (0,4 \div 0,5) \cdot 10^{-3} \text{ кг}$; $f = (0,3 \div 0,4)$; қирралар сони 6 дан кўп эмас. $\omega_6 \leq (45 \div 50) \text{ с}^{-1}$.



1-барабан асоси (вали билан); 2-цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалар; 3-қозикчали гарнитура; 4-қайишқоқ резинкали планка
6-расм. Тавсия этилган қозикчали барабан схемаси

Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичлар УХК ва 1ХК ларда қозикчали барабанлар бир текисда айланиб пахта бўлакчаларига бир хилда таъсир кўрсатади, толаларга ёпишган ичкаридаги майда ифлосликлар деярли тозаланмай қолади. Тавсия қилинган қозикчали барабанда икки томонлама ушбу ифлосликлардан ажратиш имконияти мавжуд. Биринчидан цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалар пахта бўлагига кетма-кет ҳолда, турли хил куч йўналишида ва қийматида таъсир кўрсатади, пахта бўлаги кескин тебранишга учраб, ифлосликлар ажралади. Иккинчи томондан қозикли гарнитура ва барабан билан резинали амартизатор ўрнатилганлиги ҳисобига гарнитура бурчак тезлигини ўзгариши тебранишига олиб келади, яъни қозикчалар қўшимча импульс кучи билан пахта бўлагига таъсир қилади. Шунинг учун қозикли гарнитура ва барабан вали айланишлари фарқини аниқлаш учун назарий тадқиқотлар олиб борилди.

Келтирилган схемага (6-расм) асосан куйидагиларни ёзиш мумкин.

$$\Delta\varphi_1 = \frac{R_1\varphi_1 - R_2\varphi_2}{R_{\text{ўр}}}; \Delta\varphi_2 = \frac{R_2\varphi_2 - R_1\varphi_1}{R_{\text{ўр}}}; \quad (10)$$

бу ерда, $R_1, R_2, R_{\text{ўр}}$ – ташқи, ички ва резинали планка ўртача радиуслари, φ_1, φ_2 – қозикли гарнитура ва барабанинг бурилиш бурчаклари.

Таъкидлаш лозимки, резинали планка ташқи қисми бўйича деформацияланади. Шунинг учун улардаги кучланишларни алоҳида белгилаймиз. $\Delta\sigma_1$ ва $\Delta\sigma_2$. Бунда:

$$\Delta\varphi_1 = \left(\frac{2\pi}{E} + \frac{R_2}{\mu E}\right)\Delta\sigma_1; \Delta\varphi_2 = \left(\frac{2\pi}{E} - \frac{R_1}{\mu E}\right)\Delta\sigma_2$$

бу ерда E -резинали планка қайишқоқлик модули; μ -сирпаниш коэффициенти. Қозикли гарнитура ва барабан асосини ҳаракат қонунлари:

$$\begin{aligned} J_1\ddot{\varphi}_1 + R_1F(\Delta\sigma_1 - \Delta\sigma_2) &= 0 \\ J_2\ddot{\varphi}_2 + R_2F(\Delta\sigma_2 - \Delta\sigma_1) &= 0 \end{aligned} \quad (11)$$

Айланма тебраниш частотаси:

$$\rho_2=0 \quad \rho_1 = \sqrt{R_1FK} \left(\frac{R_1}{J_1} + \frac{R_2}{J_2}\right) \quad (12)$$


бу ерда, $K = \frac{\Delta\varphi_1\Delta\sigma_2 + \Delta\varphi_2\Delta\sigma_1}{\Delta\varphi_1\Delta\varphi_2}$

Олинган (12) ни сонли ечими асосида қозикчали гарнитуранинг айланма тебраниш частотаси $66,98 \text{ с}^{-1}$ га тенглиги аниқланди. Демак системада иш режими резанансгача бўлган ҳолда ишлайди. Чунки мажбурий тебраниш частотаси $50,29 \text{ с}^{-1}$ дан ошмайди. Шунинг учун қозикчали гарнитуранинг хусусий айланма тебранишлари ҳисобига ҳам тозалаш самараси ортиши мумкин.

Тавсия этилган аралаш қозикчалари бўлган барабанли пахтани майда чиқиндилардан тозалагичнинг модернизация қилинган конструкциясини тажриба нусхаси тайёрланди, тажрибавий тадқиқотлар ўтказилди. 8а-расмда цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалари бўлган планка кўриниши, 8б-расмда қозикчалар юкланишлари, гарнитураларни айланма тебранишларини ўлчаш учун датчиклар ўрнатилган кўриниши, 8 в,г-расмда эса, цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалар тензодатчиклар билан жиҳозланган кўриниши келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар натижасида қозикли гарнитура ва барабан валидаги бурчак тезликларни, цилиндрик ва кўп қиррали қозикчаларни юкланишларини ифодаловчи осциллограммалар олинди (9-расм).

Осциллограммалар таҳлилига кўра қозикчали гарнитура ва барабан вали бурчак тезликлари резинали планкалар деормациясига асосан ўзаро фарқ қилади. Бунда ϕ_6 қийматлари, ϕ_6 қийматларига нисбатан $(3,5 \div 5,0) \text{ с}^{-1}$ гача юқори бўлиши кузатилди.



а-гарнитура ва қозикчаларга датчикларни ўрнатиш схемаси; б-цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалар ўрнатилган барабан планкаси; в-цилиндрик қозикча; г-кўп қиррали қозикча.


8-расм. Қозикли гарнитура ва қозикчалар юкланишлари ва тебранишларини ўлчаш учун датчикларни ўрнатилган кўринишлари.

Лекин, уларнинг тебраниш амплитудалари ва частоталари қозиклар қатори сонига мос келган частотада тебранганлигини кўриш мумкин (9-расм, ϕ_2 ва ϕ_6 осциллограммалари). Мос равишда қозикчалар юкланишлари цилиндрик ва кўп қиррали қозикчалар юкланишлари таъсир зонаси ўзаро фарқ қилсада, частоталари бир хил бўлади. (9-расм, $F_{ц}$ ва $F_{к}$ графиклар).

Барабаннын айланиш частотасини ортиши билан $\dot{\varphi}_B$, $\dot{\varphi}_2$, ҳамда $F_{ц}$ ва $F_{к}$ ўзгариш частоталари мос равишда ортади.


Қозикчали барабан гарнитураси ва валидаги буровчи моментлар, бурчак тезликларини ўзгариш қонуниятлари осциллограммаларини қайта ишлаш натижасида параметрларини боғланиш графиклари курилади (11,12-расмлар).

Курилган 11-расмда тавсия этилган барабан қозикли гарнитураси ва валидаги бурчак тезликлар ва буровчи моментларни тозалагич иш унумига боғлиқлик графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилига асосан тозалагич иш унуми 3,5 т/с дан 4,5 т/с ортганида қозикли гарнитура ва барабан валидаги буровчи момент қийматлари ночизикли қонуниятда ортади. Бунда M_B ва M_2 орасидаги фарқ иш унуми ортиши билан камайиб боради. Қозикли гарнитурадаги буровчи момент $0,19 \cdot 10^2$ кмдан $0,286 \cdot 10^2$ кмгача чизиксиз боғланишда кўпаяди.



9-Расм. Тавсия этилган барабан вали ва қозикли гарнитура бурчак тезликлари, буровчи моментлар ва цилиндрик ҳамда кўп қиррали қозикларда пахта бўлагини таъсир кучини ифодаловчи осциллограммалари.


Мос равишда қозикли гарнитура ва барабан валидаги бурчакли тезликлар ночизикли қонуниятда камаяди (11-расм, 1,2,3-графиклар). Бунда қозикли гарнитура бурчак тезлиги $0,449 \cdot 10^{-2} \text{ с}^{-1}$ дан $0,449 \cdot 10^{-2} \text{ с}^{-1}$ гача камаяди.



10-расм. Тавсия этилган қозикчали барабан гарнитураси ва валидаги буровчи моментлар, бурчак тезликларини ўзгариш қонуниятлари.


Олинган тажрибавий натижалар назарий тадқиқотлар билан солиштирганда ϕ_2 қийматлари бўйича фарқ (7,2÷8,5) % оралиғида бўлади. Амалий томондан қараганда тозалагич иш унуми пасайиб кетмаслигини инобатга олиб, ϕ_2 қийматлари $(0,43\div 0,45) \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ дан пастда бўлишини таъминлаш тавсия этилади.

Тавсия этилган қозикли барабан қозикчаларидан пахта бўлакчаларини чиқиш вақтини ва уларга таъсир кучини барабан қозикли гарнитураси бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқлик графиклари 12-расмда келтирилган. Уларни таҳлилига кўра ϕ_2 нинг қийматлари $0,40 \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ дан $0,50 \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ гача ортганида $0,23 \cdot 10^{-3} \text{ кг}$ ли пахта бўлакчаси цилиндрик қозикча сиртида бўлиш вақти $0,93 \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ дан $1,49 \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ гача ночизикли қонуниятда кўпайса, кўп қиррали қозикча сиртида пахта бўлакчаси $2,8 \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ дан $4,32 \cdot 10^{-2} \text{ c}^{-1}$ гача ортганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби пахта бўлагининг кўп қиррали қозикча сиртида каттароқ юза бўйича таъсирлашади. Демак ишқаланиш кучи юқори бўлади.



1- $\phi_6=f(u,y)$; 2,3- $\phi_2=f(u,y)$; 1,2-тажрибавий; 3-назарий; 4- $M_6=f(u,y)$; 5- $M_2=f(u,y)$.



11-расм. Тавсия этилган барабан қозикли гарнитураси ва валдаги бурчак тезликлар ва буровчи моментларни тозалагич иш унумига боғлиқлик графиклари.



1,2- $t_{\text{и}}=f(\phi_2)$; 3,4- $t_{\text{к}}=f(\phi_{\text{к}})$; 5- $F_{\text{и}}=f(\phi_2)$; 6- $F_{\text{к}}=f(\phi_{\text{к}})$; 2,4- $m_{\text{и}}=0,23 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$; 1,3- $m_{\text{и}}=0,46 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$.


12-расм. Тавсия этилган қозикли барабан қозикчаларидан пахта бўлакчаларини чиқиш вақтини ва уларга таъсир кучини барабан қозикли гарнитураси бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқ графиклари.

